Published on *insonvaqonun.uz* (http://insonvaqonun.uz)



15.05.2018




“Ёш китобхон” танлови эндиликда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқиладиган низом асосида давомли равишда ўтказилади

Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ “Ёш китобхон” танлови эндиликда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқиладиган низом асосида давомли равишда ўтказилади.
Низомда:
алоҳида номинациялар бўйича танловлар ташкил этиш;
2018 йилги танловларни Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Бердақ сингари мутафаккирлар ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш” каби халқ достонлари бўйича ўтказиш;
кейинги танловларни даврлаштирган ҳолда давом эттириш учун тегишли рўйхатларни шакллантириш;
танлов ғолибларини мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан, республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган қатнашчиларни енгил автомобиллар билан тақдирлаш, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ва фаол иштирокчиларни ҳам муносиб рағбатлантириш чоралари назарда тутилади.

72 Чоп этиш [1] PDF [2]

## Сўнгги янгиликлар:

- ОАВ лар фаолиятига бевосита тааллуқли янги қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди [3]

- Адлия вазири блогерларни қизиқтирган саволларга жавоб берди [4]
- Коммунал хизматлардан қарздор шахсларга айрим турдаги давлат хизматлари кўрсатилмайди [5]
- Агротехника тадбирлари энди GPS навигация орқали назорат қилинади [6]
- Виждон эркинлиги ва диний бағрикенглик барқарорлик омили [7]
- Ер участкалари қайси ҳолларда олиб қўйилиши мумкин? [8]
- ҲАРБИЙЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШДА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАЯПТИ? [9]
- Фарғона вилоятида Эркин Воҳидов номидаги мактаб-интернати ташкил этилади [10]
- ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО (ЭРИ) КАЛИТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛДИ [11]
- Қонун кучга кирди [12]

---

**Source URL:** http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/3609

**Ссылки**
[1] http://insonvaqonun.uz/print/3609
[2] http://insonvaqonun.uz/printpdf/3609
[3] http://insonvaqonun.uz/node/3634
[4] http://insonvaqonun.uz/node/3632
[5] http://insonvaqonun.uz/node/3623
[6] http://insonvaqonun.uz/node/3621
[7] http://insonvaqonun.uz/node/3618
[8] http://insonvaqonun.uz/node/3616
[9] http://insonvaqonun.uz/node/3615
[10] http://insonvaqonun.uz/node/3614
[11] http://insonvaqonun.uz/node/3611
[12] http://insonvaqonun.uz/node/3605